

---

## “Депутатлар боғи” кенгайди

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илгари сурилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Ўзбекистон туманинг ҳар бир ҳудудида мевали ва манзарали қўчатлар экиш ишлари олиб борилмоқда.

Туман аҳолиси ва ташаббускор фаоллар атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, ҳудудларни боғу бўстонга айлантиришда фаол иштирок этмоқда.

Лойиҳа доирасида бугун Халқ депутатлари туман Кенгашининг янги чақириқ депутатлари ташаббуси билан ҳам дараҳт экиш акцияси ташкил қилинди. Тадбирда депутатлар, туман сектор раҳбарлари ва нуронийлар иштирок этди.

Халқ вакиллари томонидан туман марказидаги “Депутатлар боғи” ва унга туташ манзилда қўшимча янги манзарали дараҳтлар экилиб, яшил маскан кенгайтирилди.

2024-12-03 20:49:12